

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (10.835)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кун

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар «Оила» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими хамда Бектемир туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида ўтказилган семинар «Оила ва жамият» деб номланди. Шунингдек, туман «Оила» ўқув марказининг тақдироти хам бўлиб ўтди.

● **БУГҲУ** 1-Тошкент Педагогика коллежида Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавий тарғибот маркази, туман прокуратураси, туман ИИБ, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими хамкорликларида уюштирилган анжуман ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонасида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбир «Ғазал мулкнинг султони» деб номланди.

● **БУГҲУ** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидида Тошкент Молия институтининг 1-талабалар турар жойида «Алишер Навоий — барҳаёт» мавзусида ўтказилган бадиий-мухлисий кечада талабалар, ўқитувчилар, шoirлар иштирок этишди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** ўрта махсус, касб-хуна тарғиботи муассасаларининг маънавий ишлари бўйича мутасаддилари иштирокида ўтказилган тадбирда баркамол авлоднинг тарбияшда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни борасида ўзаро фикр алмашилди.

● **РОССИЯ** билан таълим соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида Губкин номи Россия Давлат нефть ва газ университетининг филиали шаҳримиздаги Файзулла Ҳужаев кўчасида ўз фаолиятини бошлайдиган бўлди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида бадиий жамоалар ўртасида ўтказилган «Айтиш» деб номланган беллашув Мадааният ва спорт ишлари вазирлиги хамда «Машъал» радиоканали хамкорликларида уюштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Маънавий тарғибот маркази, Тошкент шаҳар прокуратураси хамкорликларида уюштирилган тадбир «Болаларнинг ҳуқуқий ҳимояси» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИНING 2006 ЙИЛГИ ФАОЛИЯТИ ЯҚУНЛАРИ ҲАМДА 2007 ЙИЛДАГИ РЕЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МЕДИА-ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ТАДБИРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР РАҲБАРЛАРИ, ЖАМОАТЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда Ўзбекистон Журналистлар икхдий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси Х.Дустмуҳамедов, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси раиси А.Ҳужаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби Ш.Қудратхўжаев, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва янада демократиялаштириш жараёни изчиллик билан олиб борилаётганини таъкидладилар.

Ушбу маъсулиятли жараёнда давлат ва жамоат оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш ва ривожлантиришга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш, матбуот, телеви-

дение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида изчил чоралар амалга оширилади. Бундан ун йил муқаддам Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг ташкил этилиши бу борадаги кенг қўламли ишлардандир.

Бугунги кунда мазкур ассоциация юртимиз ахборот маконидида саксонга яқин нодавлат теле, радиостанциялар, кабель телевидениесига техник ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг касбий маала ва маҳоратини оширишга эътибор қаратайтир. Утган йили ассоциация томонидан ўн бешдан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари ходимларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат телерадиоканалларини техник усуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, журналистларни қайта тайёрлаш ва маалакасини ошириш, икхдий беллашувлар, кўрик-танловлар, семинар ва анжуманлар ўтказиш билан боғлиқ ишлар шулар жумласидандир. Буларнинг бариси жамиятимизда кечаётган ислохотлар самараларига доир ахборотларни халқимизга тез ва холис етказишга, кўрсатув ва эшиттиришлар савияси хамда сифатини янада оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳузурида махсус ахборот маркази ташкил этилган. Энди мамлакатимизнинг барча вилоятлари икхдий, сиёсий, иқтисодий ҳабақларига оид ахборотлар Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялар телетармоғида жалмланиб, бутун республика бўйлаб тарқатилади.

Анжуманда миллий ассоциациянинг 2007 йилга мўлжалланган дастури тасдиқланди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, умумтаълим муассасалари директорларининг маънавий ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари, услубчилар, Республика Маънавий тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази хамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон халқ таълими вазири Т.Ҳўраев, Республика маънавий тарғибот маркази раҳбари М.Ҳошимов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қунов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятнинг барча соҳаларини ислох этиш жараёнида маънавий-маърифий жабҳада кечаётган икхбий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётганини таъкидладилар. Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш маънавий-маърифий соҳадаги эзгу ишларнинг узвий қисмидир. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗЛАШ ИНСТИТУТИДА БАРАКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

ривожлантириш Давлат умумиллий дастурига мувофиқ ёшларга пухта ва мукамал таълим бериш жараёни уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий аънава ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдек маъсулиятли иш билан ўйгун ҳолда олиб борилади.

Юртимиздаги мавжуд салкам ўн минг умумтаълим мактабидида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилади. Жаҳонда глобаллашув, мафкуравий курашлар, инфоромацион таҳдидлар тобора авж олаётган бугунги мураккаб давр бу борадаги ишларни янги-ча талаб ва мезонлар асосида ташкил қилишни тақозо этайтир. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилган миллий

Шарифа УСМОНОВА
СУРАТЛАРДА: С.Раҳимов тўсонида ўтказилган «Ташаббус—2007» кўрик-танловидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



ЯНГИЛИК ВА ЯХШИЛИК, АЛБАТТА, ТАШАББУСДАН ТУҒИЛАДИ. ТАШАББУСНИНГ ЭСА ҚАНОТИ БОР. АНА ШУ ҚАНОТ ОРҚАЛИ ТАШАББУС КЕНГ ЁЙИЛАДИ, ОММАЛАШАДИ. ШУ БОИС БЎЛСА КЕРАК, МАМЛАКАТИМИЗДА 11 ЙИЛДИРКИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ҲАМДА ТАДБИРКОР ВА ХУНАРМАНДЛАРИМИЗНИ ЭЛГА ТАНИТИБ, ИЗЛАНИШЛАРИГА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

«Ташаббус—2007»

МАҲСУЛОТ ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Шаҳримизда ўтказилаётган бу йилги «Ташаббус — 2007» кўрик-танловнинг туман босқичи Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва хунармандлар кўриги билан бошланди. Тумандаги «Шарқ» гузаридида ўтказилган кўрик-танлов чинакам мига байрам тусини олиб, иштирокчи ва таширф буюрувчиларни қарнай-сурнай садолари қарши олди. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, туманда йилдан йилга тадбиркор ва хунармандлар сафи кенгайиб, улар Президентимиз ва ҳукуматимизнинг соҳа ривожига қаратаётган эътиборларидан, яратилаётган имконият ва қўлай имтиёзлардан самарали фойдаланмоқда. Фаолият кўрсатаётган 3,5 мингдан зиёд кичик тадбиркорлик субъектлари ва ҳусусий бизнес вакилларининг 850 нафарини хунармандлар ташкил этади. Албатта, тадбирда иштирок этиш учун даъвогар бўлганлар орасидан янгиликка ўч, изланувчан ва ташаббуслари билан улкан ютуқларни қўлга киритаётган 10 нафар тадбиркор хамда 9 нафар хунарманд танлаб олинди.

Танлов 2 босқичда, кўзда тутилган шартлар бўйича ўтказилиб, ҳақиқий маҳсулот ва маҳорат, зукколик кўригига айланди. Шу ўринда иштирокчиларнинг маҳсулотларини намойиш этувчи кўргазмани алоҳида таъкидлаш кераки, у тадбиркор ва хунармандларнинг меҳнатлари, изланишлари маҳсулидир. Айниқса, ўзининг импорт ўрнини босувчи хамда экспортбўл маҳсулотлари билан хориж бозорини қўзлаётган «KLAND KON SHARO» ҳусусий корхонаси, кўшни давлатлар буюртмаларини баҳариб рақобатбардош мебеллари билан экспорт ҳажмини оширишга интилаётган «DAVR SHAMS JHOZ» масъулияти чекланган жамияти, ички бозорни шириндан-шакар қандолат маҳсулотлари билан таъминлаётган, юксак умумий хорижий линиялар қувватидан самарали фойдаланаётган «SHARF SHIRIN» масъулияти чекланган жамияти, ўтган йил охирида иш бошлаганига қарамай бозорда муҳим ўрин эгаллаётган «Анталья текс» масъулияти чекланган жамияти, шунингдек, хунармандлардан бешиқсоз Рихси Комилова, ан-

тиквар мебелъ устаси Бахтиёр Турдиев, ёғоч ўймакорлари Файзулла Юсупхўжаев, попопчи Бибиҳадича Исмолова, сандиксоз Ортиқ Раҳимовларнинг меҳнатларини таъкидлаш ўринли. Шу боис бўлса керак, уларнинг кўргазмага қўйган маҳсулотлари кўпчиликида алоҳида қизиқиш уйғотди.

— Бугунги иштирокчиларимизнинг ҳар бирини алоҳида таъкидласа арзийди,— дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар

Нихоят кўрик-танлов ҳайъати аъзолари ҳар бир кўзда тутилган шарт бўйича иштирокчиларга қўйилган баллар натижаларини жамлаб, ўринлар бўйича ғолибларни аниқлади. Албатта, саралар ичидан ғолибларни танлаб олиш ҳам осон кечмайди. Лекин нима бўлганда ҳам танлов ғолибларсиз бўлмайди. Биринчи ўринни қўлга киритган «SHARF SHIRIN» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шариф Иминов «Энг яхши тадбиркор» хамда ёғоч ўймаkori Файзулла Юсупхўжаев «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлишди.

Тадбиркорлар орасида 2-ўрин «KLAND KON SHARO» ҳусусий корхонаси раҳбари Абдукарим Абдурахмоновга, 3-ўрин эса «DAVR SHAMS JHOZ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Шокировга насиб этди. Хунармандлардан лок миниатюраси устаси Мурод Қодиоров 2-ўрин хамда миниатюра расм Шукридин Рихсиев 3-ўрин соҳиблари бўлишди. Барча ғолиб ва иштирокчиларга қимматбаҳо совринлар ва эсдалик совғалари топширилди.

— Жорий йилда улкан режаларни қўзлаб меҳнат қиляпмиз,— дейди биринчи ўрин соҳиб, «Энг яхши тадбиркор» номинациясига сазовор бўлган «SHARF SHIRIN» корхонаси раҳбари Шариф Иминов.—Хориждан янги дастхот ва ускуналарни келтириб «Труфель» шоколадлари тайёрлашни йўлга қўямиз. 25 нафар кишига ишчи ўринлари яратамиз. Туркия давлати билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил қилиб, хориж инвестициясини киритиш ниятидамиз. Энг олий мақсадимиз эса маҳсулотларимизни хориж бозоридида харидорларга хам сотишдир. Бугунги соврин ва муваффақиятдан бениҳоя мамнунмиз.

Биринчи ўринни эгаллаган тадбиркор ва хунармандлар кўрик-танловнинг шаҳар босқичида туман шарафини ҳимоя қилдилар. Албатта, бугунги рағбат барча иштирокчиларни янги-янги муваффақиятларга ундаши, шубҳасиз.

Шарифа УСМОНОВА
СУРАТЛАРДА: С.Раҳимов тўсонида ўтказилган «Ташаббус—2007» кўрик-танловидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг Кичик ижтимоий лойиҳаларга бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида Ўзбекистонга бериладиган наватбадаги олти та грант шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Қарши шаҳрида бўлиб ўтган очик мулоқот «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар хамда уларнинг ижросини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллаларнинг вазифаларига бағишланди. Унда Қашқадарё вилоятидаги 574 та маҳалла оқсоқоллари, шаҳар ва туман маҳалла оқсоқоллар Кенгашларининг раислари хамда тегишли идораларнинг вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Денов туман Кенгаши хотин-қизлар кўмитаси, касб-хуна тарғиботи вилоят бошқармаси ва вилоят кўғирчоқ театри билан ҳамкорликда «Оқила қиз» кўрик-танловини ўтказди.

● Сурхондарё вилоятида республика анъанавий «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичлари бошланди. Жумладан, Ангор туманида ўтказилган танловда 20 дан ортиқ фермерлар, хунармандлар ва тадбиркорлар иштирок этди.

● Навоий тоғ-металлургия комбинатининг Шимолий руда бошқармасининг сай-ҳаракатлари билан Учқудук шаҳрида турар жойларнинг таъмири ва янгиларини бунёд этиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, кунни кеча 30 та шахтёрлар оиласига барча қулайликларга эга янги кўп қаватли уйнинг қалитлари топширилди. Жорий йилда яна 40 та оилани квартиралар билан таъминлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

● Фарғона вилоятининг «Қувасой» илмий-ишлаб чиқариш марказида шу ҳудуддаги фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг ўқув семинари ўтказилмоқда. Унда галлачилик соҳасида фаолият юритаётган 400 дан ортиқ фермерлар иштирок этмоқда.

● Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Битирувчи — 2007» ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият юритаётган кишлоқ ва сув ҳўжалиги, экология, иқтисодиёт, энергетика сингари соҳаларга ихтисослашган ўнлаб корхоналар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари талабаларига ўз фаолият йўналишларига оид маълумотлар тақдим этилди.

ЖАҲОНДА

● Саудия Арабистони подшоҳи Абдуллоҳ бин Абдулазиз ташаббуси билан кеча муқаддас Макка мукарама шаҳрида Фаластиннинг ХАМАС ва ФАТҲ ҳаракати раҳбарлари иштирокида мамлакатда ички ихтилофларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида музокаралар бошланди. Музокаралардан ҳар иккала ҳаракат аъзоларидан ташкил топган коалицион ҳукуматни ташкил этиш кўзда тутилган.

● Нью-Йорк шаҳрининг собиқ мэри Рудольф Жилиани сайловлар бўйича Федерал комиссияга ариза бергани ҳолда наватбадаги сайловларда АҚШ президентлигига ўз номзодини кўрсатди. Айтиш кераки, республика партиясининг вакили Жилиани 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатлари чоғида қатлий ҳаракатлари туфайли Америкада нуфузи жуда юқори сиёсатчилардан ҳисобланади.

● Сурия Президенти Башар Асад Ироқдаги бир-бирига қарама-қарши гуруҳлар ўртасида воситачилик қилмоқда. У шу йўл билан мамлакатда авж олаётган қонли зўравонликларга барҳам бериш ниятида. Унинг сўзларига қараганда АҚШ Ироқда тартибсизликларни тўхтатишга қодир эмас. Вазиятни ўзгариштириш учун бу ишга бошқа давлатлар хам аралашши лозим.

● Кеча Италиянинг шимолий қисмида россиялик сайёҳларни элтаётган автобус ҳалокатга учради. Юк машинаси билан тўқнашув оқибатида сайёҳлардан бир аёл ҳаётдан кўз юмди, 60 нафар киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда россиялик етти нафар сайёҳ касалхоналарга ётқизилган бўлиб, уларнинг тўрттасининг аҳволи оғир.

● Камерун ҳудудидаги денгиз қирғоғида йўловчи кема чўкиб кетди. Дастлабки маълумотларга кўра унинг бортида камида юз киши бўлган. Шундан 15 нафар кутқариб қолинган бўлса, 60 киши ҳаётдан кўз юмган, 20 киши эса дом-дараксиз йўқолган.

● Буюк Британиянинг Сафолк графлиги ҳудудидаги фермалардан бирида парранда гриппига чалинган 2000 тадан ортиқ товуқ ва куркалар қирилиб кетди. Улар танасидан инсон ҳаёти учун хавfli бўлган H5N1 вирус топилиди. Шу муносабат билан касал таркамаслиги учун бир куннинг ўзида 160 мингтадан кўп товуқ ва куркалар йўқ қилинди. Баъзи мамлакатлар Буюк Британиядан паррандалар олишни тақиқлаган бўлса хам, Европа Иттифоқи хавф бартараф этилганлигини таъкидламоқда.

● Япониянинг бир қатор шаҳарларида тоза ичимлик сувини ярим литрлик идишларда қадоқланган ҳолда сотиш йўлга қўйилди. Маҳаллий ҳокимиятлар маъмуруларининг сўзларига кўра, мазкур тадбир орқали аҳолининг тоза ичимлик сувига нисбатан бе-парволарча муносабатини ўзгариштириш кўзда тутилмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДАГИ ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ БИР ҚАТОР ФАРМОН ҲАМДА ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРА БОРИБ, ПОЙТАХТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган изчил сиёсат тўғайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг асосида мулкдорлар синфини шакллантириш учун мустақкам замин яратилмоқда.

Фармон ва ижро

МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИЛМОҚДА

Хусусан, Юртбошимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга, молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришга, жумладан, тадбиркорлик субъектларини текширишни тубдан қисқартиришга қаратилганлиги ушбу соҳада барқарор ривожланишга эришиш омили бўлмоқда. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Шайхонтоҳур туман ҳудудий комиссияси негизидagi жамоатчилик кенгаши ҳам ўтган — 2006 йилда туманда фаолият юритаётган тадбиркор ва ишбилармонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти, тегишли органларнинг масъул ходимларини жалб қилган ҳолда бир қатор режавий ишларни амалга оширди.

— Ўтган йили, — дейди Шайхонтоҳур ҳудудий туман комиссияси негизидagi жамоатчилик кенгаши раиси Шавкат Мирзаев, — кенгашимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш бўйича бир қатор тадбирлар: кўлаб семинар-учрашувлар, йиғилиш, давра суҳбатлари, мулоқотлар, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар шаҳар, туман ҳокимликлари, прокуратура, солиқ идоралари ва бошқа кўлаб мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2006 йилда жами 720 та текширув режалаштирилган бўлиб, амалда 691 та текширув ўтказилган ҳамда булардан 199 таси режадан ташқари, яъни қисқа муддатли текширишлардир. Эътиборли томони, 2005 йилнинг 12 ойи давомида солиштирилганда, текширувларнинг сезиларли даражада қисқартирилганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, жамоатчилик кенгаши қошида «Ишонч қутиси» фаолияти йўлга қўйилган, йил давомида унга кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан 5 та ариза келиб тушган. Доимий равишда амалдаги қонунчилик асосида кичик ва хусусий бизнес ривожига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, қабул қилинаётган қонунчиликка зид қарор ва фармойишларни ўрганиб чиқиш, хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда, тадбиркорлардан келиб тушган ариза ва шикоятлар ўз вақтида ўрганилиб, тегишли зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

БУГУНГИ КҮН ЁШЛАРИНИНГ ТИЙРАК, БИЛИМДОН, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, ФАҲМ-ФАРОСАТЛИ, ОДОБ-АХЛОҚЛИ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА ҚИЛИБ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.

Таълим-тарбия жараёни йўлида қўйилаётган ҳар бир қадам мана шу сиёсатни қўллаб-қувватлаб, уни тўлдирishга хизмат қилмоқда. Чунончи бундан олти йил аввал Оила маросимлари маркази қошида «Оила — муқаддас Ватан» шiori остида иш бошлаган ёш оила қурувчилар мактаби фаолияти ҳақида ҳам бугун мана шундай илқ фирқларни айтиш мумкин. Чунки ушбу мактаб машғулотларида шу кунгача шахримиздаги юридик, касб-хунар, алоқа, тиббиёт, хотин-қизлар, маданият, рас-сомчилик, транспорт каби бир қатор коллежларнинг ўқувчи-ёшлари ҳамда оила қуриш учун ариза берган бўлажак келин-куёвлар қатнашиб ўзлари учун зарур бўлган зарурий йўл-йўриқ ва маслаҳатларни олиб келмоқдалар.

Айтиб ўтиш жоизки, Республикаимиз Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий маросимларни ихчамлаштириш ҳақидаги 1998 йил 28 октябрдаги Фар-

Тадбирлар

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

мони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу тўғридаги қарори асосида Республика Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 1998 йилдаги буйруғига кўра ташкил топган ушбу мактаб Адлия вазирлиги ва республика «Оила дорилфунуни» махсус курси режаси асосида фаолият юритиб келмоқда.

— Мактабнинг асосий мақсади — оила қурувчи ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, оиланинг муқаддаслигини намойиш этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, оила қонунчилиги, тиббий қўриқнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилашга кўмаклашиш, ҳар томонлама етук ва баркамол фарзандларни тарбиялаш асосларини тушуниришдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда машғулот ташкилотчиларидан бири Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Музаффар ака Жаъфаров.

Қуни кеча ёш оила қурувчилар мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб

ўтди. Талаба-ёшларнинг ниҳоятда фаоллиги билан ўтган ушбу тадбирда Шайхонтоҳур туман ФХД бўлими раҳбари Мунира Исмолова «Оила кодекси. Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари», тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Назира Шайхова «Қорин тўйиш — тўғри овқатланиш эмас» каби мавзуларда фикр юритдилар.

Ҳар бир мавзу юзасидан тўлиқ, ра-вон, қизиқарли тарзда берилган маълумотлар бўйича ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган, ўйлатадиган саволларига жавоб олишга, тақлиф-мулоҳазалари, ўй-фикрларини айтишга интилишлари кишини хурсанд қилади. Демак ушбу мактаб машғулотларига қатнаётган ўқувчилар дарс жараёнида ўзлари учун керакли йўл-йўриқларни олмақдалар.

Қизгин мулоқот, бахс-мунозарарга айланиб кетган ушбу даврада тиббиёт коллежи талабаси Нигора Толипова, юридик коллежи талабаси Хуришда Зуфарова каби иқтидорли, тийрак, ўз фикр-мулоҳазасига эга талаба-ёшларнинг савол-жавоблари барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Нозима АБДУСАЛОВА
СУРАТЛАРДА: «Оила — муқаддас Ватан» тадбиридан лавҳалар

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларнинг кафолатлинишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазирлиқлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда бу борадаги назоратни янада кучайтириш ва мутасадди идоралар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш топширилди.

Йирик корхоналар ва касаначилар ўртасида операцияга оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ ҳўжалигидаги суиестеммоликларга барҳам беришга қаратилган ишларнинг самарадорлигини ошириш лозим. Айни пайтда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга доир қонунлар ижроси назоратига жиддий эътибор қаратиш даркор.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси ва таълим-тарбиясига оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, болалар қаровсизлиги ва улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича жойлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликни янада қўллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан соҳадаги жиноятларни аниқлашда тезкор-қидирув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, яъин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш бoрасидаги камчиликлар танқид қилинди. Бу йўналишдаги ишларни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

2006 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш бoрасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб ке-

лингани таъкидланди. Кўрилган чораларга қарамадан, республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг сони 3,1 фоизга ошган. Шу жумладан, қасддан оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, талончилик, товламачилик, фирибгарлик жиноятларининг ўсиши кузатилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар фаолиятини янада кучайтириш, бу жараёнда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд қилинди.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини яхшилаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш бoрасидаги ишлар таҳлил қилиниб, прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг 93 миллион сўмга яқини ҳамда 33 миллион АҚШ долларидан ортиғи ундирилгани таъкидланди. Бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштириш, зарарни тўлиқ ундиришга эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида ўқитрилди.

Бош прокуратура матбуот хизматида маълум қилишларича, йиғилишда жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича судларда прокурор ваколатини таъминлашнинг аҳоли атрофида қўриб қилинган. Прокурорлар фаолияти судлар томонидан қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишига кўмаклашиш лозимлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, йиғилишда кадрларни танлаш, тайинлаш, уларни тарбиялаш, прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича фаолиятни такомиллаштириш бўйича катти талаблар қўйилди.

Йиғилишда қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бoрасида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бехзод НОРБОЕВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛИККА ОИД ҚОНУН ҲУҲЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Бош прокуратура, давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари масъул ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчига айланимоқда. Улар сонининг мунтазам ортиб бoраётгани, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига кичик бизнес улушининг ўсиши, қўшимча иш жойларининг яратилиши, аҳоли фаровонлигининг ошиши тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган давлат сиёсатининг самараларидандир.

Тадбиркорлик соҳасидаги сиёсатнинг изчил амалга оширилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Семинарда тадбиркорликка оид қонунчилик базасини тадқиқ этиш, тегишли статистик ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш, тадбиркорлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров, шунингдек, мазкур органлар фаолиятини ўрганиш орқали олиб бoрилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган фармонлар ва қарорлар соҳа ривожига янги даврни бошлаб берди. Ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали амалга ошириляпти. Ҳўжалик юритиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик эркинлаштирилди. Текширишлар ўтказиш ва ҳисобот тақдим этиш тизими тартибга солинди. Шу боис тадбиркорлик билан шуғулланиш шарт-шароитлари янада яхшиланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсири камайди.

Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви, ноқонуний текшириш ўтказиш ҳoллари хали ҳам учраб турибди. Мазкур идоралар ходимлари тадбиркорлик субъектларига нисбатан айблов нуктаи назари билан қараш қайфиятидан ҳамон халос бўлганларича йўқ.

Тадбирда мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Тадбиркорликка оид қонунчилик базасини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ушбу соҳада қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Мурувват

ХАЙРИЯ ЎН КҮНЛИГИДА ФАОЛ ҚАТНАШИНГ

5 ФЕВРАЛЬ ШАҲРИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ҲИСОБИГА ХАЙРИЯ ЙИҒИШ ЎН КҮНЛИГИ БОШЛАНДИ.

Шуни айтиш керакки, республикаимизда Қизил Ярим Ой жамияти 1925 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. 1995 йилда Республика жамияти Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой федерацияси таркибига кирган.

Жамиятнинг Тошкент шаҳар Кенгаши таркибига 11 та туман бўлими ва 232 та бирламчи ташкилотлар кирди ва улар эҳтиёжманд кишиларга дастлабки ёрдам кўрсатишга тайёр бўлган 119 минг нафар волонтерлар (кўнгилли аъзолар)ни ўз сафларига бириктирган.

Бугунги кунда Учтепа, Мирзо Улугбек, Ҳамза, Собир Раҳимов, Юнусобод, Чилонзор ва Яккасарой туманларида жамиятнинг кўнгилли аъзоларидан ташкил топган пунктлар ва бирламчи ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Жамиятнинг иш режаларига мувофиқ шаҳар Факуллода вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда жойларда меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, яшаш жойларида юқоридаги ташкилотлар фуқароларга факуллода ҳолатлар юзага келганда биринчи ёрдам кўрсатишни ўргатиш йўлларига йўналтирилган ўқув машғулотларини ўтказишади.

Шу билан бирга кам таъминланган, якка-ёлғиз кишилар, кекса ногиронларга бeғараз тиббий-патронаж ёрдами кўрсатиш жамиятнинг асосий фаолият турига кирди. Бугунги кунда 407 нафар якка-ёлғиз ногирон қариялар Қизил Ярим Ой жамияти тасарруфига олинган бўлиб, улар «Меҳр-мурувват» ҳамшираларининг доимий қарамоғидир. Ҳамширалар тиббий кўмакдан ташқари хонадонларни орасталаш, озиқ-овқат маҳсулотларини келтириш ишларини ҳам амалга оширадилар.

Жамият кўнгиллилари эса турли табиий офатлардан жабрланган оилаларга биринчилардан бўлиб ёрдамга келадилар.

Жорий йилнинг мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан яқинда алоҳида кўмакка ва қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларга ҳар томонлама мақсадли ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олувчи махсус дастур қабул қилинди. Бунда ижтимоий ҳимоялаш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришда асосий эътибор жамоат ташкилотлари, жумладан якка-ёлғиз кексалар, кам таъминланган ва ногиронларга манзилли патронаж ёрдами кўрсатиш бoрасидаги ўз фаолиятини янада кучайтиришга сафарбар этилган Қизил Ярим Ой жамиятига ҳам қаратилган.


Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг фаол ва самарали фаолиятини ҳисобга олган ҳолда анъанавий равишда йил бошида шаҳар ҳокимининг фармойишига мувофиқ пойтахтда шаҳар Кенгаши жамғармаси ҳисобига хайрия йиғиш ўн кўнлиги эълон қилинди. Хайрия тўплаш тадбирида йиғилган барча маблағлар хайрия мақсадларида сарфланди. Яъни жамият тасарруфидаги қариялар, ногиронлар, якка-ёлғизларни ижтимоий ҳимоялаш, «Меҳр-шафқат» ҳамшираларининг маошларини тўлаш, дори-дармон, боғловчи ашёлар, тиббий асбобларни харид қилиш, аҳолини биринчи ёрдам кўрсатиш асосларида ўргатиш ишларига сарфланди. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашидан бизга хабар беришларича, йўлларни таъмирлаш бошқармаси ҳамда қўшма корхоналардан дастлабки бадаллар тушган. Ўтган йилги хайрия ўн кўнлигида шаҳар бинолардан фойдаланиш департаменти, пойтахт Ободонлаштириш бошқармаси, Тошғаз ташкилоти, ОАК «Матбуот тарқатувчи», Ички ишлар бош қўшармаси, «Тошбозортайёрловсавдо», Тошкент почтаменти каби қўллаб қорхона ва ташкилотлар фаол иштирок этганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бу йилги хайрия ўн кўнлигида ҳам туманларда бир қанча тадбирларни ўтказиш режаси белгиланган. Хусусан, Учтепа туманидаги Алгоритм мавзесида жойлашган «Меҳригў» реабилитация маркази тасарруфидаги ногирон болалар учун ўтказиладиган хайрия тадбири давомида марказга жамиятнинг шаҳар Кенгаши томонидан компьютер жамламаси ҳамда ногиронлик арачаси топширилди. С.Раҳимов туманидаги 1-Мурувват уйида хайрия акциясига бағишланган тадбир ташкил этилиб, унинг доирасида кўнгиллилар иштирокида концерт ҳам уюштирилади. Ҳамза туманидаги Сивец маҳалласида кам таъминланган оилаларга хайрия ёрдами кўрсатилади. Юнусобод туманидаги 87-махсус мактабда тарбияланаётган болалар учун ҳамда 220-мактабда хайрия тадбирлари ўтказилиб, болаларга дарсликлар ҳада этилади. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Юқорида кўрсатилган жамиятнинг фаолият йўналишлари бўйича тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шаҳар аҳолисини қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшиш нияти бўлган барча имконияти бор қорхона, ташкилот ва муассасаларни бу савобли ишга даъват этамиз.

Ўз маблағларингизни Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин: **Ўзбекистон Ташқи Иқтисодий Фаолият банки бош амалиёт бўлими 20212000900126451001, МФО 00407, ИНН 200896573, ОКОНХ 98600.** Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар кенгаши.

Маълумотлар учун телефонлар: 398-79-25; 398-24-94.



2007—Ижтимоий ҳимоя йили

ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

ҚАЛБЛАРИМИЗНИ ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧГА Тўлдириб қўтуғ қадамлар билан янги йил қириб келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Ёш-у кексанинг дилида, қўнгида аини дамда Ҳақат оппоқ ойдан оруз-тилақлар туғён ураётгани, шўбҳасиз. Дўст-биродарлар, яқин жигарғўшлар, ҳамма-ҳаммаси бир-бирларига Ҳақат ва Ҳақат эзгу тилақларни тиламоқдалар.

Юртбошимиз ташаббуслари билан эълон қилинган 2007 — Ижтимоий ҳимоя йилида бир-биримизга яхшилик улашиб, ёрдамга муҳтожларга доимо кўмак бериб яшайлик. Савоб ишларга бош қўшиб яшаш шioriимиз бўлсин, дейишмоқда.

Айтмоқчимизки қилаётган савоб ишларимиздан кўнглимиз тўлиқ, юзимиз ёруғ бўлсин. Бу борада «Қамолот» ЕИХ Собир Раҳимов туман Кенгаши бўлими ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳар томонлама хайрли бўлган тадбирларни ўтказишдан мақсад эса ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжихатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини мустақкам-

лашдир. Орамиздаги етим, ногирон тенгдошларимиз ҳолидан хабар олиб уларнинг ўқис қалбларига шуур бағишлашдир.

Шу йилнинг январь ойида 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун «Ҳар доим «Қамолот» билан!» лойиҳаси бўйича тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирдан у ерда тарбияланаётган болаларга бир оз бўлсада кўтаринки кайфият бағишлаш ва уларни маънавий қўллаб қувватлаш каби хайрли мақсадлар кўзланди.

Тадбирда туман сардорлари ва етакчилари кенгаши аъзолари томонидан театрлашган сахна кўринишлари намойиш этилди. Ушбу томошада Меҳрибонлик уйидаги барча болалар ўзлари тайёрлаган шеър ва қўшиқлари билан иштирок этишди. Болажонлар ушбу ташрифдан жуда ҳам хушнуд бўлдилар.

— Шундай байрамлар кўп бўлиб турса, опа-акаларимиз бизни ҳамиша йўқлаб туришса қандай яхши бўлади, — дейди қувончдан қўзлари порлаб турган Меҳрибонлик уйининг бир гуруҳ тарбияланувчи болажонлари.


Уйлаимизки, ўтказилган тадбирдан барча болажонлар катта таассурот олдилар.

Зилола МУТАЛОВА

A collection of various envelopes and mail pieces, including a large open envelope, a smaller closed envelope, and a rectangular mail piece with a decorative border.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт
институтининг кичик илмий ходими

Шарқ дурдоналари



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Беғунахро сохтан озурда аз теги забон, Нотавон кардан рағи беранжро аз анштар аст.

Беғунох кишининг кўнглини тил тиғи билан жароҳатлаш соғлом томирға наштар уриб, уни майиб қилиб қўйиш билан баробардир.

Бар сари амволи мадфун золими нақшинқабо, Бар фарози ганж бо жилди мунаққаш аждар аст. Кўмилган хазина устида ўтирган қимматбаҳо либосли золим ганжни қўриқлаб ётган ялтироқ пўстли аждарға ўхшайди.

Бар мақаш теги забон ҳар дам, к-аз ин рў шамъ-ро,

Сар буранд ар чи ба фарқ аз шўъла заррин миг-фар аст.

Тил тигини ҳадеб тортаверма, ҳудди шу иши учун бошида шўъладан заррин қулоқ бўлса ҳам, ҳар кеча шамининг бошини кесадилар.

Бировким, эрур ростликдин йирок, Анингдек киши бўлмагон ахшироқ.

Бермас татвил чун суҳандон сўзга, Қил муҳтасар улча бўлғай имкон сўзга, Кўп айб топар кимса фаровон сўзга, Чун чекти узокқа, етти нуқсон сўзга.

Сўз қадрини билган уни узок чўзмайди, имкони борича сўзни қисқа қил, чунки сўз қанча чўзилса, камчилиги ҳам шунча кўп бўлади, одамлар кўп сўздан кўп айб топадилар.

Бу даҳр ажузеки, вафоси йўқ анинг, Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анинг, Дема мунимик, айбу хатоси йўқ анинг, Айби бас эрур буюм: бақоси йўқ анинг!

Бу дунё бир жодугар кампирдирки, унинг вафоси йўқ, бир фоҳишага ўхшайдики, шарму ҳаёси йўқ. Сен дунёнинг ёнини олиб, унинг ҳеч қандай айбу хатоси йўқ дема, бақоси йўқлиги дунёнинг энг катта айбидир.

Бу ёзуқ бас кишигакам, элдин Ҳар на сўзким эшитти, фаш этти. Тоғ эшитгани дер, гуноҳидин Гўйё Тенгри уни тош этти.

Эшитганини элга ёйиш кишининг гуноҳдор бўлиши учун кифоя. Ҳар қандай садони қайтаргани учун ҳам худро гўё тоғни гуноҳдор санаб, уни тошга айлантиргандай.

Бир-бирин дўстлар агар гаҳ-гаҳ Кўрсалар, дўстлук ўлур голиб. Шавқдин ихтилот ўлур матлуб, Васл учун оруз ўлур толиб.

Дўстлар гоҳ-гоҳ бир-бирларини йўқлаб турсалар, дўстликлари мустаҳкам бўлади, ўзро муносабатлари кучайиб, тез-тез бир-бирларини кўргилари келиб қолади.

Бой эмас улки, мол қасратидин Кўрмагай фоқау талаб ранжин. Они билким, худой бермиш анга Нафси аммора таркини ганжин.

Молу дунёсининг кўпчилигидан бирор нарсага муҳтожлик машаққатию факирликни кўрмаган киши бой эмас. Худоду нафсининг ёмон хоҳишларини тарк этиш бахтини муассар қилган кишини бой деб бил.

Бировга қисмат оз бўлди бағоят, Бировга бахшиш ўлди бениҳоят.

Бировнинг ризқи ниҳоятда оз бўлди, бировга лутфу марҳамат чек-чегарасиз.

Бўлди ошиқ ақл ила ҳазил айлабон вола кўнгул, Утқа тушти ўйнай-ўйнай кул била девонамиз. Девона кул билан ўйнай-ўйнай ўтга тушиб кетганидек, ақл билан ҳазил қила-қила бу шайдо кўнгул ҳам ошиқ бўлиб қолди.

Бир насиҳат қилғум, эй ишқ аҳли, айланг исти-моъ:

Солмағиз ҳар сори кўз, то бўлмасун ҳар ён кўнгул.

Эй ошиқлар, бир насиҳат қилай, қулоқ солинг: ҳар томонга кўз солмангиз, то кўнгул ҳар ён бўлмасин.

Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмон эттим, Вафо нахли экканга бажуз гусса бар йўқтур.

Эй деҳқон, кўп синаб кўрдим: вафо ниҳилини экканга бу гулшанда гуссадан бўлак ҳосил кўйду.

Бу коргоҳда ҳайрат жонини йўқурбуртур. Бу дунёда ҳайратдан жоним ўртанади.

Вале ҳар киши бўлса аҳли уқул, Тааммулсиз иш ақли этмас қабул.

Эсли киши ўйламай иш қилмайди. Варду шаҳар шоҳид эрур боғ аро, Лек ўтин силкидадур тоғ аро.

Боғда чиройлик кўринадиган гул ва дарахтлар тоғларда тартибсизлигидан ўтин қаторида турадилар.

Вафосиздур баҳори хусн.

Вафосиздур замон аҳли, замонда не вафо бўлғай,

Вафо аҳли бўлардин гар вафо истар, эрур нодон.

...

Валоят аҳлига жамъи маломатиға бок— Ки, халқ кўзидин айлар намозини яширун.

Бу турфароксим, намозида муъжиби нодон Тутар имомат учун хайл қилбасида ўрун.

Эл кўзидан яширин намоз ўқийди, деб валий зотларни маломат қилишади. Аслида намоз вақтида тақаббур нодоннинг имомат учун жамоанинг энг олдида ўтиши таъна-дашномга кўпроқ сазовор эмасми?

Воиз улдури, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай.

Воизки, дастёрсиз ўлмас суҳангузор, Анга ёрду мунга аёлғувчи ҳукм бор.

Баъзи воизлар ёрдамчиси бўлмаса, нутқ ирод қилолмайди. Бундай воиз—музыка асбобиға, ёрдамчиси—чолғувчиға ўхшайди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ

МАЪНАВИЯТИМИЗГА, АДАБИЁТИМИЗГА АЛОҲИДА ЭҶТИРОМ БИЛАН ЁНДОШИЛА БЎШЛАНДИ.

Зотан, сўз қадрини, бадиятни эъозлаган юртининг истиқболи сарбаланд бўлади, фарзандлари етукликка дадил қадамлар босади.

Юнусобод туманидаги 265-ўрта мактабда бўлиб ўтган «Алишер Навоий — ғазал мулкининг султони» мавзuidaги адабий-бадий кеча ана шу жиҳатлари билан эътиборлидир. Бинобарин, қарийб олти асрдирки ҳазрат Алишер Навоийнинг ижодий меросидан таралаётган маърифат, инсонпарварлик ва ҳидоят шўъласи неча-неча авлодларни эзгуликка чорлаб келмоқда.

Тадбирлар

ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТони

Мазкур тадбир Юнусобод тумани халқ таълими бўлими ва мактаб маъмурияти томонидан ташкил этилди. Унда сўз олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Асад Дилмурод, Хусниддин Шарипов, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири ўринбосари, таниқли шоир Икром Отамуродлар мутафаккир шоир ва давлат арбоби-нинг ижодий мероси ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Бугунги тадбир ўзининг бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради, — дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси Муаззам Фуломова биз билан

суҳбатда. — Негаки, хазрат Алишер Навоийнинг уммон қадар улкан адабий ҳазинасидан ўқувчиларни воқиф этиш, таништириш таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ўтмиши узок мозийга бориб тақаладиган юртимизда яшаб ўтган алломалар, олиму фузалолар, шоир адиблар ҳаёти билан яқиндан танишиш ўқувчилар қалбиде она Ватанга садоқат, киндик қони тўқилган замин олдидаги масъулият ҳиссининг ортисиға хизмат қилади.

Сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, хазрат Алишер Навоийнинг ўлмас бадий мероси бугунги авлоднинг ру-

хий камолотиға жуда катта ҳисса қўшади. Айниқса, беш асрдан кўпроқ вақт давомида севиб мутолаа қилиниб келинаётган «Хамса» достони наинки Шарқ, балки дунё адабиёти тоқидиға муҳташам бир обида бўлиб қолди. Мутафаккир шоир умри давомида сўз қадрини, шеърини муқаддас деб билди. Унинг: «Маъдани инсон гуҳари сўз дурур, гулшани одам самари сўз дурур», деган сатрлари шоирнинг юксак маънавий оламидан дарак беради.

Анжуман давомида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган Ойбекнинг «Навоий», Иззат Султон ва Уйғун қаламиға мансуб «Алишер Навоий» драмаларидан парчалар ижро этилди. «Малик уш-шуаро»нинг дилрабо ғазаллари ўқилиб, унинг улкан даҳосига эҳтиром кўрсатилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Спорт

Бокс

КЛУБ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНАДИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС ҲАМ ЖАДАЛЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНМОҚДА. ҚУВОНАРЛИСИ ШУНДАКИ, ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ТУРЛИ ВАЗН ТОИФАЛАРИДА РАҚИБЛАРИ БИЛАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЖАНГ ОЛИБ БОРИБ ЎЗБЕК БОКС МАКТАБИ НИМАЛАРГА ҚОДИРЛИгини ИСБОТЛАШМОҚДА.

Ҳамюртлимиз Артур Григоряннинг ўз вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлганлиги, ҳозирда эса профессионал бокснинг wba йўналиши суперфойриг вазнида Руслан Чагаевнинг олтин камарга даъвогарлик қилаётгани юқоридиғи факримизга далил бўла олади.

Ёшлар орасида профессионал боксни янада оммалаштириш мақсадида мамлакатимизда мураббийлар тайёрлашга ихтисослашган «Файзулла Мунаввар» клуби фаолият бошлагани ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Айни кунларда ўзбекистон-

лик ёш чарм кўлоқ усталариға профессионал бокс сирларини пухта ўргатиш мақсадида Москва шаҳридан иктидорли мутахассис Андрей Котов клубга таклиф этилди. Қувончли жиҳати, Андрей Котов бир неча кун давомида мураббийлар билан машғул семинарлари ўтказди, уларни профессионал бокс оламида юз бераётган янгиликлардан хабардор этади.

ТИМУР РИНГГА КЎТАРИЛАДИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ СУПЕРФойриг ВАЗНИДА ЎЗ ОМАДИНИ СИНАБ КЎРАётган ҲАМЮРТИМИЗ ТИМУР ИБРАГИМОВ ЯНА РИНГГА КЎТАРИЛАДИ.

Ҳап шундаки, 16 февралда АҚШда ташкил этиладиган мазкур «жанг»да Тимурга америкалик Тони Томссон рақиб бўлади. Тимурнинг рақиб Томссон 35 ёшда бўлишиға қарамай, кейинги пайтда ажайиб бокс намойиш этмоқда. Тимур ҳам ўтказилган барча жанглари галаба билан якунлаган, фақат биттагина бахсда Келвин Брюкка очколар ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган. Бу сафар ким галаба қозонади, буни вақт кўрсатади.

Шахмат

СЕАНС МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, СОБИҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВНИНГ БИР ЎЗИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ШАХМАТЧИЛАРИДАН КУЧЛИ ЭКАНЛИгини ИСБОТЛАДИ.

Ҳап шундаки, кун кеча Тошкентда XVII жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари билан уюштирилган сеансда галаба қозонди.

Шуни эътиборлики, халқаро гроссмейстерлар Саиди Йўлдошев, Шухрат Сафин, Антон Филиппов, спорт усталари Сергей Қайумов ва Нафиса Мўминоваларга қарши дон сурган Қосимжонов ўтказилган партияларнинг 4 тасини галаба, 2 тасини дуранг натижа билан якунлаб, бирор марта мағлубиятга учрамади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ЯНГИ КЎРГАЗМА

КОНСТЕЛЛЯЦИЯ — ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ЯНГИ ВА АЙНИ ПАЙТДА НОАНЪАНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида ана шу йўналишда ижод қилаётган мусаввирлар асарларига бағишланган кўргазма очилди.

Унда Д.Усеинов, А.Николаев, Т.Фадеева, С.Тицина, М.Сошина каби мусаввирларнинг асарларига кенг ўрин берилган.

ЎЗА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдолариға таклиф этади!

2007 йил 13 март куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а йил, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига суд ижрочилири томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочи бўлинмасининг 02.10.2006 йилдаги №10584/5 ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган; 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11Т 90-94 бўлган «ВАЗ-21063» русумли автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 500 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочи бўлинмасининг 05.04.2006 йилдаги №3225/4 ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 12Д 58-00 бўлган «ЗИЛ-4331» русумли автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 3 129 531 сўм.

3. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочи бўлинмасининг 16.10.2006 йилдаги №11240/5 ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Чилонзор тумани Қатортол кўчаси 37-уйда сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 30Л 42-93 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 7 540 550 сўм.

2007 йил 13 март куни аукцион савдосида сотилмаган тақдирда автотранспорт воситалари 15, 20, 22, 27, 29 март ва 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8 май кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдориде закалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонхур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850; 20210000700571452062 ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки 2007 йил 10 февралдан бошлаб

Ҳар бир ШАНБА ва ЯКШАНБА кунлари соат 12.00 ва 15.00 да

БАРЧА ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ

Японияда ўтказилган цирк санъати халқаро фестиваллари совриндорлари иштирокида, шунингдек йиртқи ҳайвонлар (йўлбарслар, айиқлар, маймунлар...) ва амазонка-йигитлар аттракционлари

ШОШИЛИНГ! ШОШИЛИНГ! ВА ҲАММАНИ ТАКЛИФ ЭТИНГ!

Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ ҳар хил усулда тўланиши мумкин.

Касса эрталабчи соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси Шухрат Мадаминбекович Ирматовга онаси

Баҳрихон ая ИРМАТОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОЖИМЛИГИ

Буюртма Г-107

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида боёқланади. 4398 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтамати»ға — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6